

ХУҚУҚ

Мустақиллик ҳуқуқ демакдир

ЮРИДИК ГАЗЕТА

1998 йил
10 июн, чоршанба

22 (34)

Газета 1997 йил 27 августдан
чиқа бошлаган

Инсон ҳуқуқлари - олий қадрият

1998 йил 3 июн куни Қарми шаҳрида Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Вилоятнинг иқтисодий - ижтимоий ва маънавий ҳаёти, бу соҳалардаги ютуқлар ва камчиликлар ҳар томонлама чуқур таҳлил этилган ушбу нутқни айна пайтда инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг юксак тажассуми дейиш мумкин.

Чунки одатда режани уддалай олмаган, топшириқни бажармаган раҳбар ишдан олинади. Лекин ушбу нутқда ҳам эътироф этилганидек, «вилоятда, шаҳарларда ҳам, қишлоқларда ҳам ижобий ишлар бўлди. Ғалла, пахта етиштириш бўйича режалар уддаланди». Бироқ энг муҳим нарса - одамларнинг руҳини кўтариш, ғурурини уйғотиш, инсонларнинг кадр-қимматини юксак тутиб, уларни улуғ мақсадларга сафарбар этиш унутилди.

Бажарилган режалардан оддий кишилар қай даражада нафанди, деган масала очик қолди. Худди ўрта асрлардаги каби қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнинггарчилик овж олди. Кадрларни қобилиятига, ишбилармонлигига қараб эмас, балки лаганбардорлик-

АДОЛАТ - ЭНГ БУЮК МЕЗОН

ни, лаббайчиликни қай даражада уддалашига қараб баҳолаш унсур томир отди. Бир сўз билан айтганда, воҳада табиатнинг энг олий мавжудоти бўлмиш инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини менсимаслик иллати қарор топа бошлади.

Нутқда ҳам таъкидланганидек, икки ярим йил аввал Президент худди шу нарсаларни олдиндан сезгандек янги ҳокимни «аввало, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, уруғчилик-қабилачилик каби иллатлардан йироқ бўлинг», деб огоҳлантирган эди.

...Қандай қилиб бўлмасин, планин юз-юз эллик фоиз бажариб, юқоридагиларнинг эркатойига айланиб олиб, кейин билган ишини қилиб юрадиган коммунист раҳбарчалар собиқ Иттифок доврида бемасола қонуннинг уруғидек хўп кўпайган эди. Қўшиқ ўзга, ўзгадир оҳанг, деганларидек, энди, вазифани бажардингми - раҳмат, бироқ қонунни бузган бўлсанг марҳамат қилиб жавоб бери-

шинга тўғри келади, деган талаб мустақил Ўзбекистон демократиясининг ўзига хос жиҳатларини ифодаламоқда.

«Энди бир замонлардаги кампаниябозлик, ур-сурлар, йўқдан йўндириб, маълумот беришлар, баландпарвоз ҳисоботлар даври ўтди».

Энди масала фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари қай даражада таъминланаяпти, тарзиде кўйилмоқда. Аҳолининг яшаш тарзи, газ-суви, медицина, маиший хизматлардан фойдаланиш даражаси, иш билан таъминлаш, маошларни ва нафақаларни ўз вақтида тўлашнинг аҳволи суриштирилмоқда.

Масала шу тарзда кўйилганда, кўз олдимизда вилоятнинг таъминоти кифоаси намоён бўлади: бюджетта ундирилмаган боқимондолик қорзлари микдори 1998 йил 1 апрелда 8 миллиард 74 миллион сўмни ташкил этган. Ҳўш, даромадлар бажарилмаса, шу ҳисобдан ойлик-маош оладиган хизматчиларнинг тирикчилиги қан-

дай кечади?

Вилоят меҳнаткашларига салкам 1,5 миллиард сўмлик иш ҳақи тўланмаган.

«Қарши, Ғузор, Шаҳрисабз, Чирокчи туманларида ўтган йил ва бу йил ҳисобидан 2 ёшга тўлмаган болаларга 193 миллион сўмлик, 16 ёшгача болалар учун бериладиган 75 миллион сўмлик нафақа тўланмаган».

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига меҳнат ресурслари 4,4 фоиз ўсгани ҳолда, ўтган йили вилоятда янги иш жойлари ташкил этиш топшириғи отиги 38 фоиз бажарилган. Ўлкан ерсув ресурсларига эга бўлган, Ғузор-Бойсун - Қумқўрғон темир йўли ва Шўртан газ-кимё мажмуи каби кўлами ҳақоний ўлчамлар билан баҳоланадиган қурилишлар кетаётган вилоят учун бу ачинарли ҳолдир.

Ҳўш, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари бузилаётган экан, уни таъминлашга масъул бўлган ҳуқуқ-тартибот идора-

(Давони 2-бетда).

МИЛЛИЙ АНЖУМАН

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 50 йиллиги муносабати билан «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси ва Ўзбекистонда шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми» мавзусига бағишланган миллий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни Республика Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари А.Қосимов кичир сўзи билан очди.

Унда Олий Мажлис депутатлари, Республика ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходимлари, республикада фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг вакиллари, хорижий дипломатлар, Инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи институтларнинг ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, журналистлар иштирок этдилар.

Олий Мажлисининг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Н.Исмоилов, Араб ҳуқуқшунослар иттифоқининг бош қотиби Фаррух М. Абу Исҳо, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари А.Эргашев ва Миср Араб Республикасидан келган ҳуқуқшунос олим Яхё Эл-Жамлининг маърузалари анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Анжуман ишида Республика Президенти девони Экспертлар гуруҳининг раҳбари Й.Назаров қатнашди.

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

5 май куни Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Иштироки Республика Бош прокурори, 1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Бўритош Мустафоев бошқарди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 3 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони ижроси аҳволини текшириш натижалари ҳамда прокуратура ходимлари масъулиятини кучайтиришга доир бошқа масалалар муҳокама этилди.

Ҳайъат йиғилиши муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Мустақиллиқнинг етти йиллиги олдида

СУРХОНДАРЁ: БАРҚАРОРЛИК, ОСОЙИШТАЛИК- ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТЛАРИ

Улуғ халқимиз бу йил 1 сентябрда республикамиз мустақиллигининг 7 йиллигини кенг нишонлайди.

Етти йил - абадийгача нисбатан олганда кўз очиб юмгунча ўтадиган фурсатдай гап. Лекин бу йиллар ичида Ўзбекистонда кечган буюк ўзгаришлар мазмуни ниҳоятда теран ва кенг кўламли. Бу ўзгаришларни бутун жаҳон аҳли кўриб турибди ва тўғри йўлдан бораётганимизни эътироф этмоқда. «Эскисини бузмай, янги уй қураётган» халқимиз ва давлатимиз демократия, инсонпарварлик, тинчлик-тотувлик, адолат ғояларига содиқ эканлигини ҳамма жойда тўла намоён қилмоқда.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган бешта тамойил - қурилажак янги жаҳоннинг таъмал тошидир. Бу тамойилларнинг нақадар тўғрилигини ҳаёт исботламоқда. Бугунги кунда ана шу тамойиллардан бири - қонун устиворлигини таъминлаш асосида ишлаётган мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари тизими ҳам тубдан янгиланишларни бошдан кечирмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида мамлакат осойишталигини таъминлаш йўлида катта ишлар қилинди.

«Мен шу азиз Ватанга нима бердим?» Ҳар бир қонун посбони шу саволни ўзига бериши табиий, албатта. Шу маънода мустақиллиқнинг 7 йиллиги арафасида вилоятлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятига назар ташлаш фойдадан холи эмас. Зеро, уларнинг тарихи давлатимиз тарихининг ажралмас узвий бўлагидир.

«Хуқуқ» газетаси ўз саҳифаларида республика вилоятлари ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини имкон қадар ёритиб боришни режалаштирган. Сурхондарё вилоятида ҳам «Хуқуқ» газетаси ўзининг минглаб обуначиларига эга. Газетамизнинг ушбу сониде (3-7-саҳифалари) вилоят прокуратураси, суди, ички ишлари, божхона ва солиқ идоралари бугунги кунда амалга ошираётган ишлар ҳақида ҳикоя қилинади.



«Хуқуқ» анкетаси

БЕШ САВОЛГА - БЕШ ЖАВОБ



Хар бир жамоанинг ўзига яраша қувончу ташвиши бор. Биз сурхондарёлик қонун посбонлари амалга ошираётган эзгу ишлардан хабардор бўлиш ниятида соҳа раҳбарларига бир неча саволлар билан мурожаат қилдик:

1. Соҳагиз ходимлари учун қандай фазилатлар зарур деб ҳисоблайсиз?
2. Жамоангизнинг шу йилнинг ўтган даври мобайнидаги фаолияти ҳусусида нималар дей оласиз? Қандай ижобий ўзгаришлар юз берди?
3. Айни чоғда кўпроқ қандай масала ва муаммолар билан шуғулланаясизлар?
4. Сизнинг фикригизча, жамоангиз фаолиятида камчиликлар ҳам борми? Бор бўлса уларни бартараф этиш учун қандай чора-тадбирлар кўрляпти?
5. Ишдан бўш пайтларингизда кўпроқ нима билан шуғулланасиз? Севишли машғулотиңиз?

ПРОКУРАТУРА - МУҚАДДАС ИДОРА

Хайрулло АСПАНОВ - вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси:

1. Жамоамизда асосан ёш, етарли малака ва тажрибага эга йигитлар ишлашди. Зеро, бизнинг зиммамизга жуда катта масъулият юклатилган. Бу аввало, халқимизнинг тинчлик-осойишталигини сақлаш билан боғлиқ. Чунки, вилоятимиз уч тарафдан чет мамлакатлар билан chegaradosh. Айниқса, Афғонистон Ислам давлати ва Тожикистон Республикасидаги нотинчликлар катта хушёрликни талаб этади.

Ана шундай шароитда ишлаш ва қонун устиворлигини таъминлаш учун прокуратура ходимларидан ватонга садоқат, халққа, Конституцияга, қонунларга ҳурмат ҳисси баланд ҳамда мустақкам бўлмоғи лозим.

2. Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида умумий жиноятчиликнинг 5,2 фоизга камайишига эришдик. Лекин, бу билан мактана олмаймиз. Баъзи бир соҳалардаги ҳуқуқбузарликларнинг кўпайганиги бизни ташвишга солимасдан қўймайди. Биринчи алданги вазифамиз - ўсган жиноятларнинг камайишини таъминлашдан иборат. Прокуратура идоралари ходимлари шу мақсадда барча ҳуқуқни муҳофаза этувчи маҳкамалар билан ҳамкор-

ликни янада кучайтиряптилар. Илп якунига қадар жиноятчиликнинг ҳар бир бўйича мавжуд кўрсаткичларнинг пасайишига эришсак, ўзимизни билдирилган ишончга лойиқ, деб биламиз.

Кўпгина йўналишлар бўйича ижобий ўзгаришлар юз бераяпти. Умумий назорат тартибидан ўтказилган текширишлар натижасида ўнлаб фуқароларнинг поймол бўлган ҳуқуқлари ҳимоя қилинди. Прокуратура аралашуви билан давлатга етказилган миллион сўмлаб моддий зарар ўндирилди. Судларда давлат айбловини қувватлаш самараси ошган. Чегара ўтгирисидоги қонунларнинг ижроси устидан прокурорлик назорати кучайтирилди.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган ҳар бир фармон ва қарор ижросини таъминлашга ҳаракат қилаялмиз. Қонунларни халққа тушунтиришда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Барча прокурор-тергов ходимларини уй-жой билан таъминлашга эришдик. Ходимларимизнинг меҳнати самарали бўлиши учун янги бинога кўчиб ўтдик. Уни замонавий талабларга жавоб берадиган даражада жиҳозладик.

Прокуратура ходимлари учун дам олиш маскани ишлаб

турибди. Спорт билан ошно бўлиб, соғломлаштиришни йўлга қўйиш ниятида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан биргаликда «Қўл жанги» федерациясига аъзо бўлдик.

3. ...
4. Албатта, юқоридо қайд этилган ютуқлар билан бир қаторда, кези келганда айтиш жоизки, ҳали олдимизда қўллаб ечимини топмаган масала ва муаммолар ҳам бор. Лекин, уларни ҳал этишга қодирмиз. Бунинг учун катта имкониятлар мавжуд.

Бизда ташаббускор, изланувчан ходимлар кўп. Уларнинг ҳар бир хайрли иши раҳбарият томонидан пишиқ ва пухта ўрганиб чиқилиб, қўллаб-қувватлаб борилаяпти.

Иш фаолиятимида аниқланган ҳар бир камчиликни ўз вақтида бартараф этиб бораёламиз. Тизимга тасодифан кириб қолган нопоқ ёки билим савияси паст ходимлардан ваз кечилмоқда. Ахир, Бош прокуроримиз айтганларидек, «Прокуратура - бу муқаддас идора».

5. Ишдан бўш вақтларимда, аввало, фарзандларим тарбияси билан шуғулланаман. Бундан ташқари, футбол ўйнайман, теннис машғулотида қатнашаман. Кечки пайт тоза ҳавода югураман. Бундай кезларда ўйилларимни ҳам ўзим билан бирга олиб чиқаман.



Нормамат САТТОРОВ - вилоят суди раиси:

1. Жамоамизда ходимлар жадавали бўйича 14 нафар судья (ранс ва икки ўринбосари билан биргаликда), 12 нафар суд мажлиси котиби ва икки нафар маслаҳатчи ишлаши лозим. Ҳозирги вақтда 8 нафар судья

ОДИЛЛИК, ҲАЛОЛЛИК - ҚОНУН ТАЛАБИ

фаолият кўрсатмоқда. 4. Алларёров, Ш. Зоиров, Х. Қурбонюлар жамоамизнинг мураббий судьяларидан ҳисобланади. Одил судловни амалга оширишда фаолият кўрсатаётган А. Муродов, М. Ҳамроевлар нисбатан ёш судьялардандир. Жамоамизда 43 йилдан буён узлуқсиз ишлаб келётган Зубайдо опа Отоқўзиёва эса ҳаммамизнинг фахримиз.

Ходимларнинг аҳиллиги ва ҳар бир ишга масъулият билан ёндо-

лаши одил судловни муваффақият билан амалга оширишимиз учун энг зарур қафолат деб ҳисоблайман.

«Судлар тўғрисидаги Қонуннинг 66-моддасида судьяларнинг бурчлари белгилаб берилган. Унда таъкидланганидек, судьялар фуқаролик, жиноий, ҳўжалик, маъмурий ишларни кўриш чоғида Конституцияга ва бошқа қонунларга сўзсиз риоя қилишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ва мулклари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашлари, бегараз ва одил бўлишлари шарт.

2. Ҳар бир жамоанинг ўз хизмат вазифаси бор. Вилоят суди одил судловни амалга оширишда муайян муваффақиятларга эришмоқда.

Ҳозирги вақтда Афғонистон ва Тожикистон Республикаси наркотик воситалар билан байр-қонуний муносабатда бўлиш жиноятнинг асосий манбаи ҳисобланади. Тожикистон ва собиқ иттифокнинг бошқа республикалари фуқаро-лигига мансуб шахслар бизнинг воҳамиз орқали жуда катта миқдордаги

гиёвандлик воситаларини контрабандо қилишга уринмоқда. Вилоят судида ушбу турдаги жиноятни содир этган шахсларга нисбатан қонуний жазо тайинлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бундан ташқари, ўқотар қуролларни қонунга зид равишда соқлаш, ўтқозиш билан боғлиқ жиноятлар, ислом фундаментализми ҳаракатларига қарши қурашиш самарадорлигини ошириш борасида ҳам бир мунча ишлар амалга оширилди.

Қонун устиворлигини таъминлаш йўлида барча ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан елкама-елка туриб, хизмат қилаялмиз.

3. Албатта, бутун дунё ҳам-жамияти томонидан қаттиқ қораланиб келинаётган нарқобизнесга қарши кураш, уларнинг жиноятини фаш этиш масаласи ҳамisha диққат марказимида. Воҳамиз уч тарафдан хорижий давлатлар ҳудуди билан туташлиги боис вилоятимида нарқобизнес билан боғлиқ жиноятлар кўпайиб бораётир. Шу йилнинг биринчи чораги мобайнидагина 29 шахсга нисбатан 20 та шу турдаги жиноят ишлари кўриб чиқилиб, жиноятчиларга тегишли жазо берилди.

Шу билан бир қаторда жамоамиз оилани ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва уни мустақкамлаш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқда.

4. Истиқлол шарофати билан ҳар бир муоммога янгича ижодий ёндошиш ҳислатини намоён этишга йўл очилди. Шундай экан, судьяларимиз ҳам ўз устидо тинмай ишлаши, излонишлар олиб бориши лозим бўлади. Бунинг

(Давоми 4-бетда).



Исо ҚАЛҚОНОВ - Ички ишлар бошқармаси бошлиги ўринбосари, милиция полковниги:

1. Ҳозирги пайтда бошқармангиз жамоат тартибни сақлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ёнгиндан соқлаш, хорижга чиқиш, кириш ва фуқаролик, давлат автомобиль назорати, фуқаро мудофааси хизматларига раҳбарлик қилаялман. Ҳай-ҳақда алоҳида тўхталиб ўтиришининг ҳожати бўлмаса керак.

2. Бу йил бошқармамиз ходимлари учун хайрли кел-

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС

ди. Достлабки тўрт ой мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан умумий жиноятлар сони анча камайди.

Бундай ижобий ўзгаришларга асос бўлаётган бир қатор омиллар борки, уларни айтиб ўтиш жоиз. Назаримда, ходимларимиз ўз хизмат вазифаларига виждонан ёндошишга одатланишмоқда. Улар халқ ичида бўлиб, одамлар билан олоқани яхши йўлга қўймоқдалар. Бундан ташқари, кейинги пайтда «Тозалаш», «Арсенал», «Қора дори», «Орият», «Ўсмир», «Ҳосил» ва бошқа бир қанча тадбирлар ўтказилаяпти. Бу эса жиноятчиликнинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларни очишда яхши натижа бераётир.

Ички ишлар хизмати ходимлари ҳеч қачон эсдан чиқармасликлари керакки, доим кишилар дардини эшитиш ва масалани адолатли ҳал этиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

3. Аҳоли ўртасида участка нозирлари обрўйини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун албатта, уларга тегишли шарт-шароит ҳам яратиб бериш лозим. Ҳозирги вақтда шу борада иш олиб бораёламиз.

Транспорт хавфсизлигини албатта, уларга тегишли шарт-шароит ҳам яратиб бериш лозим. Ҳозирги вақтда шу борада иш олиб бораёламиз.

Транспорт хавфсизлигини таъминлашнинг асосий омил-

ларидан бири - бу автомобиль йўлларининг созлиги. Ушбу муаммони ҳал этиш борасида ҳам тегишли идоралар билан ҳамкорликда зарур чора-тадбирлар кўри-

лмоқда. 4. Бизнинг хизмат тизимимиз ҳам камчиликлардан холи эмас. Мисол учун, айрим ДАН ходимлари томонидан ҳайдовчиларга нисбатан қўполлик қилиш ҳоллари учраб туради. Бундай нохушиликларга барҳам бериш ниятида улар фаолияти бўйича текширувлар ўтказилиб, айбдорларга нисбатан қатъий интизомий чоралар кўрилатир.

5. Китоб ўқиш ва телевизор орқали бериладиган ахборотлардан хабардор бўлиб боришга ҳаракат қиламан.

(Бошланғич 3-бетда).

учун ҳуқуқий адабиётлар, Олий Суд Пленуми Раёсати қарорлари мунтазам чоп этиб турилибди. Улар судьяларга маънавий озик берибгина қолмай, ҳуқуқий маданиятини, билим малакасини

вақтдан буён учта судьялик ўрни бўш турибди. Бу ҳолат ҳам ишларимизни тўла-тўқис олиб боришимизга салбий таъсир кўрсатаётди.

Камчиликларни иложи бори-ча вақтида бартараф қилишга ҳаракат қилаялмиз. Бунинг учун

ОДИЛЛИК, ҲАЛОЛЛИК - ҚОНУН ТАЛАБИ

ўсишига ҳам самарали таъсир кўрсатади, деб ўйлайман.

Энди камчиликларга келадиган бўлсак, баъзи судьяларимиз орасида қонунларни қўллашни билмаслик, жиноятларнинг туб сабабларига атрафлича ёндошмаслик, нутқининг ровон эмаслиги, ҳукм ёзишдаги мосулият-сизлик, қонуннинг оддий талабларини бажармаслик ҳолатлари учраб туриши таъшишларнинг халқидир. Бундай судьялар томонидан чиқарилган қарор ва ҳукмлар аксарият ҳолларда бекор бўлмоқда.

Бизнинг жамоамизда юқорида таъкидланганидек, анча

судьяларимизнинг кунлик иш юритувида зарур бўлган қўлланмалар, судьялар томонидан йўл қўйилган хоталар сабабли бекор бўлган ишлар юзасидан ахборотномалар чоп этишни йўлга қўйганмиз.

Судьяларимизни Адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириш марказига юбораялмиз.

Улар у ердан ўзларининг ҳуқуқий билимларини янада бойитиб келишга муваффақ бўлмоқдалар.

5. Бўш вақтимда кўпроқ спорт билан шуғулланиш ва бодий асарлар ўқишни маъқул кўраман.

САМАРАЛИ МЕҲНАТ НАТИЖАСИ



Нарбой ҲАФИЗОВ - вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиги:

1. Республикамиз бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки йилида вилоят солиқ идораларида 246 нафар ходим ишлар эди. Бугунги кунда эса 684 нафар назоратчи, катта ва бош назоратчи, иқтисодчи, тафтишчи ва ҳуқуқшунос - маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқда.

Бизнинг соҳамиз ходимлари

солиқ тўловчи (ҳуқуқий ва жисмоний шахслар) ҳамда солиқчи (давлат) ўртасидаги пул муносабатларини изга солиб турувчи хизматчидир. Бу эса зиммамизга ниҳоятда катта масъулият юклайди. Шундай экан, солиқчи қандай фазилатларга эга бўлмоғи лозим? Бир сўз билан айтганда саводхон, хушмуомала, одобли бўлиши керак. Чунки, у қайси ташкилотта бормасин ёки солиқ тўловчи билан мулоқотда бўлмасин, дарҳол унинг билим савиясига баҳо беришади. Айниқса, катта тажрибага эга бўлган ҳисобчилик солиқ ходимларини ўзига хос синовдан ўтказишади. Шунинг учун бугунги солиқчи ўз мутахассислигига оид ҳужжатларни пухта билиши ва ҳар бир сўзини ўйлаб гапирishi, қонун доирасида иш кўриши зарур.

2. Бошқармаимиз ходимлари шу йилнинг биринчи чорагида самарали меҳнат қилишди, деса хато бўлмайди. Вилоят ҳудудида фаолият кўрсатётган ҳуқуқий ва жисмоний шахслардан давлат бюджетига 1,929 миллион сўм ундирнишга эришилди. Бу белгиланган режага нисбатан 9,3 миллион сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 866 миллион сўм кўпдир. Ана шу давр мобайнида ходимларимиз томонидан 826 ташкилот ва корхонада текши-

маси 1998 йил 12 январда «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» қарор қабул қилган. Унда солиқ маҳкамаларининг бошқа бўлимлари қатори солиқ инспекторлари деган янги лавозимни ташкил этиш қўрсатилган. Янги тартибга кўра, вилоят давлат солиқ бошқармасининг чекланган ходимлари сони 684 нафар бўлиб, шу жумладан, участка инспекторларининг сони 120 нафарга белгиланди.

3. Солиқ тизими ходимлари учун муҳим бўлмаган масала йўқ. Айниқса, бозор иқтисодиёти солиқчилардан кечаю-кундуз, ҳатто шанба ва яшанба кунлари ҳам тинимсиз ишлаб, белгиланган режаларни бажариб, бюджетга маблағ тушириши тақозо этади. Айни чоғда участка солиқ нозирлари фаолияти самардорлигини оширишга алоҳида эътибор бериш зарур. Республикаимиз ҳукуматининг бозорлар фаолиятини, тadbirkorлик фаолиятини билан шуғулланувчи шахслардан солиқлар ва йиғимлар ундирниши тартибга солиш тўғрисидаги кўрсатмаларини ҳаёта тadbirkor этиш ҳам энг долзарб масалалардан. Бу борадаги ишларнинг тўғри ташкил этилиши ўз самарасини берапти. Белгиланган режа-

ҲАМКОРЛИК ЯХШИЛАНМОҚДА

Бекимурод ҚОДИРОВ, - Божхона бошқармаси бошлиги, божхона хизмати полковниги:

1. Вилоятимиз Афғонистон, Туркменистон, Тожикистон давлатлари билан чегаридон. Ходимларимиз Ватанимизнинг ана шу мамлакатлар билан туташ ҳудудларидаги божхона масканларида хизмат қилишди.

Божхона ходимлари зиммасига республикамиз иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш, икки бозорни химоя қилиш, хом-ашё, озик-овқат маҳсулотларининг ноқонуний равишда четга олиб чиқиш кетилишининг олдини олиш, айнаи чоғда, четдан гиёванд моддалар, қурол-яроғ ва шунга ўхшаш қонун билан таъқиқланган нарсаларни контрабанда йўли билан келтирилишига йўл қўймамаслик каби масъулиятли вазифалар юкланган. Шу боис божхона ходими Ватан учун фидойи, ҳалол, халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўйувчи инсон бўлмоғи лозим. Параҳўрлик ва таъмагирлик каби иллатларга нисба-



тан мурасасиз бўлиши шарт.

2. Биринчи чорак давомида республикамиз ҳудудидан озик-овқат маҳсулотларини гайриқонуний тарзда олиб чиқишга уриниш юзасидан 83 ҳолат аниқланди. Ва 13,4 тоннадан зиёд маҳсулот ушлаб қолинди. Уларнинг умумий қиймати 937 миллион сўмликдан ошиб кетди. Ана шу давр ичида гиёванд моддаларни ноқонуний устун қўйувчи инсон бўлмоғи лозим. Параҳўрлик ва таъмагирлик каби иллатларга нисба-

қолинди. Бу борада хизмат итларидан кенг фойдаланилмоқда.

Мавриди келди: битта-икки-та мисол келтирай. Яқинда тонготар маҳали божхона масканини четлаб, адирлар оша Тожикистон томонга кетаётган бешта «Камаз» автоулови тўхталиб, кўриқдан ўтказилганда уларда жами 21 миллион сўмликдан ортиқроқ турли хил товар-моддий бойликлар қонунга хилоф равишда олиб кетилаётгани маълум бўлди.

Турли хил манбалардан республикамиз бюджетига пул маблағлари тушириш анча кўпайди. Авваламбор, шунинг маъноси билан таъкидлаш керакки, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар билан ҳамкорлик яхшиланди. Қадрларни танлаш, тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда шахсий таркиб ўртасида хизмат интизомини яхшилаш борасида бир мунча ижобий ишлар амалга оширилди. Шу мақсадда махсус комиссия тузилган. Янги ходимлар тест синовлари асосида қабул қилинапти. Уларнинг жисмоний тайёр-гарлигига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

3. Юқорида ҳам айтиб ўтдим: республикамиз ҳудудидан товар-моддий бойликларни ноқонуний олиб чиқиш кетилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатганмиз. Гиёванд моддаларни контрабанда йўли билан олиб ўтиш ҳоллари билан асло мураса қилиб бўлмайди. Ходимлар касб маҳоратини ошириб бориш ҳам муҳимдир.

4. Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Ўйлайманки, халқимиз ҳаммасини яхши билади. Уларни тақдорлаб ўтиришнинг ҳолати бўлмаса керак. Хатоларни тузатиш учун барча чораларни кўраялмиз.

5. Стол теннисини ва шахмат ўйнашни ёқтираман. Китоб ўқишга ишқибозман. Лекин хуш кўрган нарсанг билан шуғулланиш ҳар доим ҳам насиб этавермайди.



Солиқ бошқармасида барча ҳисоб-китоб жараёнлари компьютер воситалари ёрдамида амалга оширилади.

риш ўтказилиб, солиқ қонунларининг бузилишига йўл қўйган 110 корхонага 117 миллион 396 минг сўм қўшимча солиқ ҳисобланиб, 51 миллион 707 минг сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилди. Қонунбузилишига йўл қўйган корхона ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларидан 670 нафарига 2 миллион 130 минг сўм миқдорида маъмурий жарима ундирилди.

Вилоят солиқ идоралари суриштирувчилари томонидан солиқ тўлаш қонунларининг бажарилиши буйича 2928 марта текшириш ўтказилиб, 1980 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Республикамизда шу йил бошидан янги солиқ кодекси қучга кирди. Бундан тошқари, Республика Вазирлар Маҳка-

ларнинг ортиги билан бажарилиши таъминланмоқда.

4. Ходимларимизнинг асосий таркибини олий маълумотли, малакали ходимлар ташкил этади. Шу билан бирга берилган топшириқни ўз вақтида бажармайдиган, баъзан ҳатто хизмат вазифасини суийсезмат қилаётганлар ҳам бор. Биз яхши ишлаётган ходимларни хар томонлама рағбатлантириб, янги лавозимларга кўтариб бораемиз. Хато ва камчиликларга йўл қўйган айрим ходимларни эса тарбиялаш учун қайтадан шаҳодат синовларидан ўтказамиз. Жамоамиз сафи янги ташаббускор ва ёш ходимлар билан тўлдириб бориляпти.

5. Бўш вақтим жуда кам. Илқоният бўлганда газета ва журналларни ўқийман. Телевизор кўраман. Болалар тарбияси билан қизиқаман.



Вилоят божхонаси техник гуруҳи катта нозири К. Жумаев АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан совга қилинган контрабанда йўли билан ўтказилган товарларни аниқлайдиган асбобни ишга тайёрламоқда.

Шаҳар бедарвоза эмас

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси паспорт режимини кучайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарориди баъзи вилоятларда ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қонунсиз равишда паспорт бериш ҳолатлари ўрин олганиги кўрсатиб ўтилган эди. Бундай ҳолатлар республикада паспорт ислохотини амалга оширишга тўсқ бўлаётганиги сир эмас.

Қарорда таъкидланганидек, жойларда паспорт режимини таъминлаш ҳамда хорижий фуқароларнинг Ўзбекистонга келиши, яшаш ва чиқиб кетиши ҳақидаги қонунга риоя этилиши етарли даражада ташкил этилмаган. Бундай ҳолатлар вилоятимизда ҳам мавжуд.

Жорий йилнинг биринчи чорагида МДХ республикаларидан ҳар хил сабабларга қура вилоятимизга келган 311 киши рўйхатга олинган. Шуларнинг ичида ўз вақтида рўйхатдан ўтмай, яшаш қоидасини бузиб юрганлари ҳам борлиги маълум бўлди. Булар Тожикистон Республикаси фуқаролари Ш. Хуршидов, Абдуқодир Каттаев ва бошқалардир. Шунга ўхшаш ҳуқуқбузарлардан 52 нафарига нисбатан маъмурий баённомалар тузилиб, худуддан чиқариб юборилди.

Ҳар хил қинғир йўллар билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси деган номга эга бўлишга интилоётган хорижлик

ПАСПОРТ БЕРИШДАГИ



ҚИНҒИРЛИКЛАР

лар ҳам бор. Энг ачинарли жойи шундаки, уларнинг бу борадаги жиноий хатти-ҳаракатларига ўзимизнинг айрим ҳамюртларимиз, ҳатто, ички ишлар идоралари раҳбар ва масъул ходимлари ҳам аралашиб келишаётир.

Термиз туман ИИБ хорижга чиқиши ходими Азамат Омонов Термиз шаҳар 2-уй-жой хўжалигида бош ҳисобчи бўлиб ишловчи Саломат Мейлиева билан тил бириктириб, Тожикистон Республикаси фуқароси Наргиза Йўлдошевага Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини олиб бермоқчи бўлишган. Шу мақсадда С. Мейлиеванинг қизи Райҳон Жалолова номига берилган паспорт йўқотилган, деган баҳона билан унинг номига Райҳон Жалолованинг сурати ёпиштирилган янги паспорт беришга уринишган.

Музрәбод туман ИИБ ХҲК ва фуқаролик бўлими катта нозири вазифасида ишлаб кел-

ган Холбой Тошбоев ўз мансаб ваколатидан фойдаланиб, Тожикистон Республикаси фуқаролари Саидумар Саидов ва Саидусмон Саидовларнинг паспортларига сохта ёзувлар киритиб, уларнинг паспортини Республика-мига ҳисобга қўймоқчи бўлган.

Денов туман ИИБ бўлимида бошлиғи Аҳмад Кенжаев эса Талиб Сатторов ва унинг хотини Хурсаной Сатторовани Тожикистон Республикаси фуқаролари эканлигини била туриб, уларнинг номига Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини қайриқонуний равишда расмийлаштириб берган. Мазкур шахслар устидан жиноят иши кўзгатилди.

Вилоят прокуратураси чегара дахлсизлигини таъминлаш ва чет эл фуқароларининг Республика-миз ҳудудида бўлиш, яшаш, келиш, чиқиш қоидаларига сўзсиз риоя этишларига эришиш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар.

Аmmo, шуни ҳам эътироф этиш лозимки, бу ҳақда дахлдор бошқа идоралар ходимлари, қалаверса, ҳар бир фуқаро қаюғурса, нур устига нур бўлар эди.

Жўра АЗИМОВ, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия катта маслаҳатчиси.

Репортаж

«СПОРТНИНГ ФОЙДАСИ КАТТА»

ВИЛОЯТ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ БОШЛИГИ, МИЛИЦИЯ ПОЛКОВНИГИ ҚОДИРҚҮЛ БОБОҚҮЛОВ ШУНДАЙ ФИҚРДА.

Эрта тонг. Спорт майдони. Қодирқул ака аллақачон теннис ўйнардик. У кишини сўхбатга тортдик. - Олти бўлмай, уйдан чиқамиз. Шу ергача югуриб келамиз. Қарийб, икки километр. Кейин турли хил бадантарбия машқларини бажарамиз. Сўнг 40-50 дақиқа теннис ўйнаймиз. - Қачондан бери теннис ўйнайсиз? - Бир йилдан ошди. - Илгари қандай спорт турлари билан шуғулланардингиз? - Асосан, югуриш билан. Кейин волейбол ўйнардик. Ҳар хил жисмоний машқлар бажарардик. - Ходимларингиздан неча киши теннис ўйнайди? - Ҳа, барибир. Кўпчилик югуришга одатланган. Футбол, волейбол ўйнашади. Кўпроқ қўл жангига эътибор берилади. - Спортнинг нафти тўғрисида фикрингиз қандай? - Биринчидан, соғлиқ учун фойдаси катта. Спорт билан доимий шуғулланадиган одам касаллик нима эканлигини билмайди. Иккинчидан, ишга ҳам фойдаси катта. Фикрлаш қобилияти яхши бўлади. Қайфияти кўтарилди. Иссиқ-совуққа чидамли бўлади. Бизнинг хизматда ҳар хил қийинчиликларга дуч келиш мумкин. - Ака менинг устозим, - сўхбатга қўшилди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Қувондиқ Мадартов. - Келинг, устоз-шоғирд бир ўйнайлик.

- Шоғирд қалай? - ҳазиллашдик. - Ҳозирча, кўз тегмасин яхши, - дейди ҳамсўхбатимиз қувноқлик билан. - Келиб турса, яхши шоғирд чиқади. Чарчаб ташлаб қўймаса. - Илгари ҳам спортнинг бир неча тури билан шуғулланган экансиз. Тенниснинг афзаллик томонлари нимада? - Яна савол билан мурожаат этдик Қодирқул акага. - Теннисда ҳар қим ўз тенгини таллайди. Кейин ҳамма аъзолар ишлайди. Уйлойсиз: қоптоқ қаверга келиб тушаркан? Шу қодор берилиб кетасизки, ҳамма нарсани унутасиз.

Умуман, спортнинг ҳамма тури яхши. Қайсиси билан шуғуллансангиз ҳам зорор қилмайсиз.

Бобоқуловга самимий сўхбати учун миннатдорчилик билдирдик. У киши теннис ўйинини давом эттирди.

Қурбон ЖўРАНАЗАРОВ.



Қонун тарғиботи

ИЗЛАНИШ, ТАШАББУС, ҲАМЖИҲАТЛИК

Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни юксалтиришда муҳим омилдир

Президентимиз «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли рисолида «Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот ташкили қилмас, шахсининг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва ани-аналар ҳурмат қилиниб, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди», - деб ёзган эди.

Дарҳақиқат, қонуналар, қарорлар ижросини назорат қилишда қонун посбонлари - прокурорларимизнинг меҳнатлари катта роль ўйнайди. Нафақат, қонуналар ижросини назорат қилиш, балки уларнинг мазмун-маҳиятини аҳолига тушунириш жуда катта ижтимоий ва ҳуқуқий аҳамиятга эгадир. Сурхондарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Чорихон ҚОДИРОВ билан сўхбатимиз айнан шу ҳақда бўлди.

Чорихон ака, вилоятда қонунчилик ва ҳуқуқ-тарғибот соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб берсангиз?

Вилоятимиздаги оддий фуқаролардан тортиб, мансабдор шахсларга қадар қонунларга амал қилиб яшашни уларнинг қундалиқ турмуш тарзига ойлан-тириш бизнинг ососий вазифамиздан биридир. Ваҳоланки, яқин ўтмишда халқнинг ҳуқуқий маданияти-ю, савиясини ошириш учун шароит яратилмаган эди.

Энди, фактларга мурожаат қилсак. 1997 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш» миллий дастури ишлаб чиқилган эди. Ушбу дастурнинг 4-бандида таълим муассасаларида адлия,

прокуратура, ички ишлар ходимлари, бошқа мутахассислар иш-тироқида ўқув машғулотлари ўтказилиши лозимлиги таъкидланган. Шу мақсадда вилоят прокуратураси билан халқ таълими бошқармаси ҳамкорликда қўшма дастур ишлаб чиқилди. Унга асо-

сан, мактабларда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» дarsi ўтилмоқда. Вилоятдаги ўзбек-турк ўғил болалар лицейида ҳам ҳафтада бир марта прокуратура ходимлари болалар билан учрашиб турибдилар. Бу дарсларнинг одатдори машғулотлардан фарқи - проку-

ратер-тергов ходимлари дарсни кизикорли тарзда, амалиётга боғлаб ўтадилар. Натижа эса чакки бўлмапти. Мактабларнинг раҳбарлари-ю, ўқувчиларидан бу каби дарслар самара бераётгани ҳақида мунозам хат-хабарлар олиб турибмиз.

Утган йилнинг бошидан вилоят прокуратураси ҳам ўз нашрига «Адолат тарозиси» газетасига эга бўлди. Унинг фаолиятига ҳам қисқача тўхтайсангиз?

Ёдингизда бўлса, собиқ шўро даврида ҳуқуқий нашрлардан «Человек и закон» чоп этилар эди. Мустақиллик шарофати билан қатор вилоят прокуратуралари ўз ҳуқуқий нашрларига эга бўлдилар. Биз ҳам ўтказилаётган озаки ҳуқуқ-тартибот ишларининг таъсир кучи матбуот билан тенглаша олмаслигини назарда тутиб, 1996 йил август ойда вилоятдаги «Тадбиркор» газетаси базасида прокуратуранинг амали-ҳуқуқий саҳифасини очдик.

«Адолат тарозиси» номли бу саҳифанинг илк чиқилишидан бошлаб фуқароларимизнинг Конституцияда белгилан қўйилган ҳуқуқ ва бурчларини поймол этиш-

нинг олдини олишга прокуратура ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи бошқа органлар масъул эканлигини тушунириб, халқни кизиктираётган турли мавзуларда долзарб мақолалар чоп этилишини йўлга қўйдик.

Кўп ўтмай, аҳолидан турли хил саволлар ҳамда ечилмай ётган муаммолар ҳақида шикоятлар келиб туша бошлаганини ҳам саҳифа ўз эгаларини топганлигини билдирди. Натижада саҳифани мустақил газета ҳолига келтириб чоп этишга зарурат туғилди. Вилоят прокуратураси раҳбарияти томонидан бу тақдир қўллаб-қувватланди ва 1997 йил 1 январда «Адолат тарозиси» мустақил газета сифатида чоп этила бошланди. Газетада давлат айбони қувватланган ҳар бир жиноят иши бўйича мақолалар бериб борилмоқда. «Муштарий сўрайди» руқни ойнайса, халқнинг эътиборини ўзига тортди. Бундан ташқари, барча прокурор-тергов ходимларининг халқдан тушган саволларига жавоблари-ю, ўзлари томонидан тайёрланган мақолалар турфойли, уларнинг касб маҳоратлари ҳам синавдан ўтмоқда. Бу билан эса Бош прокурорнинг 1-сонли буйруғида кўрсатилганидек, ходимларнинг билим ва фаолиятига баҳо бериш (аттестация) синовларида уларнинг ҳуқуқ-тарғиботидаги иштироки ҳам эътиборга олинмоқда.

Маълум бўлишича, вилоят прокуратурасининг ўз телевиде-

(Давоми 6-бетда).



Ч.Қодиров «Адолат тарозиси» газетаси таҳририяти ходимлари билан.

Футбол шарҳи

БИЗДА ЭСА ТАНАФФУС

Мамлакатимиз VII футбол биринчилигининг ярми ортада қолди. 1997 йилги чемпион МХСК жамоасининг куйи ўринни эгаллаб турганлигини айтмаганда, турнир жадвалида катта ўзгаришлар рўй бергани йўқ.

Мутахассис ва ишқибозлар бу йилги чемпионат аввалгиларига қараганда анча қизиқarli ўтаётганлигини, кўпгина жамоаларнинг ўйинлари савиясининг ортанлигини таъкидлашмоқда.

Стадионларга келаётган ишқибозлар сонини ҳам шу йил анча ошиб, ҳар ўйинга ўртача 10 минг нафарга яқин томошабин келмоқда.

Энди турнир жадвалига назар ташлаб, жамоалар имкониятини таҳлил этаск.

Пешқодаллар сафида Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси ҳам бор. Бу жамоа 1992 йилда 3-ўринни эгаллагандан сўнг таркибиде бир қатор талантли футболчилар бўлишига қарамастан, кейинги биринчиликларда ўртамаёна ўйинлар кўрсатиб, жадвалнинг ўртасида келаётган эди. Жамоада бош мураббий ўзгариши ва бир қатор тажрибали футболчиларнинг унинг сафига келиб қўшилиши ҳужумкорликни оширди. Ҳимоя чизиғида ака-ука Файзиевлар, ёш умидли Переудин ва Муртазоевларнинг жонқурлиги ўйинда ижобий ўзгаришларга сабаб бўлди. Шу боис «Сўғдиёна»нинг пешқодаллар сафидалигини тасодиф деб бўлмайти. Жамоага бундан кейинги ўйинларда анча қийин бўлиши табиий. Чунки, ҳар бир рақиб ўйинга жиддий тайёрланади. Бунинг устига, иккинчи даврада 5-6 та кучли рақиблар билан сафарда тўп сурдилар. Улар ўз мавқеларини сақлаб қолиш-қолмаслиги ўйинчиларнинг руҳий тайёргарлик даражасига боғлиққа ўхшайди. Футболимизда яна бир кучли жамоа ўзининг аввалги шўхратини тиклаб, энг юқори ўринларга даъвогарлик қилаётгани ижобий ҳолдир.

Мусобақа жадвалини «Пахтакор» жамоаси бошқариб бормоқда. Унинг ўйинида ижобий ўзгаришлар бўлганлиги қувонарли, албатта. Аммо, жамоанинг ўйинида ҳамон ҳужумкорлик этишмапти, шеклилли.

Ишқибозлар, таркибиде М.Қосимов, А.Абдураимов, Буғало, Ашурматов, Шоймардонов, Қамбаралиев, Ширшов, Пирматов каби кучли, маҳоратли футболчилар бўлгани ҳолда жамоа кутилганидек, чиройли ва мазмунли ўйинлар кўрсата олмаётганлигини таъкидлашмоқдалар.

Шу ўринда «Пахтакор» билан бўлаётган ўйинларда ҳакамларнинг ушбу жамоа фойдасига билиб ёки билмасдан мунозарали пенальтиларни белгилашлари, рақиб жамоа ўйинчисини майдондан четлатиши (шундай ҳолатлар «Трактор», «Сурхон» ва «Насаф» жамоалари билан бўлган ўйинларда кўзга ташланди) «Пахтакор» ишқибозлари кўнгида ҳам нохуш из қолдириди. «Пахтакор» бундай «ёрдамсиз» ҳам чемпион бўлиши мумкин, аммо ҳакамларнинг ноҳилислиги фақат жамоани ва чемпионати обрўсизлантириши мумкин.

Пешқодаллар сафида борасан «Навбахор» ва «Нефтич» жамоаларининг ҳар бир ўйини ишқибозларда катта қизиқиш уйотмоқда. Ҳар иккала жамоа таркибиде жиддий ўзгаришлар содир бўлди. «Навбахор» таркибиде Ғофуров, Солиев, Мадрохимов, Алиев, Кошелев каби умидли ёшлар мустақам ўрин олаётганлиги қувонарли ҳолдир. «Нефтич» жамоасининг 1995 йил чемпион бўлган асосий тар-

кибидан 3-4 та ўйинчигина қолганига қарамастан команда ўз ўйин услубини йўқотмаганлиги, бир неча йил олдин асосий таркибда онда-сонда кўринган футболчиларнинг бугунги кунда маҳорат билан бир текис ўйин намойиш этаётганлиги таҳсинга лойиқ. Бу бош мураббий Ю.Сарқияннинг ҳақиқатдан ҳам талантли устоз эканлигини яна бир бор исботламоқда. Ҳозирда ишқибозлар-у, мутахассислар «Нефтич»нинг ўйиндан-ўйинга кучайиб боришига ишонмоқдалар.

Таркибларини бир қатор кучли футболчилар билан тўлдирган «Бухоро», «Дўстлик», «Насаф», «Хоразм», «Сурхон» жамоаларининг имкониятлари катта эканлиги сезилиб турсада, ҳали бу жамоалар ўз ишқибозларини хурсанд қиладиган натижаларга эришолмаптилар.

Бу йилги чемпионатда МХСК, «Косонсой», «Металлург» ва «Темирйўлчи» жамоалари олий лигани тарқ этиш хавфидан йироқ эмас.

Энди жамоалар ўзларининг биринчи даврада босиб ўтган йўлларига назор ташлаб, ютуқларини мустақамлаш, камчиликларни бартараф этиш чораларини кўришлари табиий.

Деярли 2 ой давом этадиган танаффус бунинг учун етарли бўлади. Бунинг устига, 16-жаҳон чемпионатида қатнашувчи миллий жамоалар намойиш этган катта футболни мамлакатимизнинг ҳар бир футболчиси, мураббийси ва мутахассислари учун муҳим сабоқ, шундай даражага этишиш учун интилиш мезони бўлиши табиий.

М.ЭСОНОВ.



11 нафар ўзбекистонлик альпинист Эверест чўққисини забт этганликлари тўғрисида хабар қилган эдик. Улар олис ва хатарли сафардан ўз юртларига эсон-омон қайтиб келдилар. Суратда: Ўзбекистонликлардан биринчи бўлиб дунёнинг энг баланд чўққисига кўтарилган альпинист Рустам Ражабов ва унинг ҳамроҳларининг Ташкент аэропортида кутиб олиниши.

Башорат

КИМ ЧЕМПИОН БЎЛАДИ?

Бугун Францияда XVI жаҳон чемпионати бошланади.

Таркибиде жуда машҳур ва кучли футболчилар жамланган бир қатор жамоалар ўртасидаги ўзаро ўйинда ким ғолиб чиқишини башорат қилиш ҳам жуда мушкул. Масалан, Бразилия, Аргентина, Англия, Германия, Италия, Голландия, Франция ва Нигерия жамоалари бир-бирларига қарши майдонга чиқадиган бўлса ким ғолиб чиқиши мумкин.

Газетамиз таҳририяти республика прокуратураси марказий маҳкамаси ходимларининг XVI жаҳон чемпионатининг совриндорлари ва чемпиони тўғрисидаги башоратларини ўрганишга ўриниб кўрди.

Малик ЭСОНОВ:

Чорак финал: Италия - Франция, Бразилия - Нигерия, Германия - Англия ва Югославия-Аргентина.

Ярим финал: Бразилия-Аргентина, Германия-Франция.

3-ўрин: Франция-Аргентина
Финал: Бразилия-Германия - 3:2

Ёлқин АЪЗАМХУЖАЕВ, бўлим бошлиғи:

Чорак финал: Бразилия - Дания, Германия-Хорватия, Италия-Франция, Голландия-Аргентина

Ярим финал: Германия-Франция, Бразилия-Аргентина
3-ўрин: Германия-Аргентина.

Финал: Бразилия-Франция

Юсуф ҒОИПОВ, Бош прокурор ёрдамчиси:

1/4 финал
Италия - Франция
Бразилия - Нигерия
Германия - Хорватия
Югославия - Колумбия
1/2 финал
Бразилия - Югославия
Германия - Франция
Финал
Бразилия - Франция
3-ўрин
Германия - Югославия

Абдуғаффор ЖУМАДИЛОВ, бўлим прокурори:

1/4 финал
Бразилия - Испания
Голландия - Аргентина
Италия - Франция
Германия - Руминия
1/2 финал
Бразилия - Голландия
Италия - Германия
Финал
Италия - Бразилия
3 - ўрин
Германия - Голландия

Асрор АҲМАДЖОНОВ, вилоят прокурори катта ёрдамчиси:

Финал: Бразилия - Италия - 2:1
3-ўрин: Аргентина - Франция - 2:3.

Кроссворд

Ёйлар бўйича: 1.Фуқаронинг қимлигини, машғулотини тасдиқловчи иш қоғози. 2. Фаластиндаги шаҳар. 3.Жамият аъзоларининг билимини оширишга қаратилган возифалар мажмуи. 4. Қуролсиз ўз-ўзини ҳимоя қилишнинг яқона усули, спорт тури. 5. Америка ихтирочиси, корхона эгаси, дастлабки саноат-тадқиқот лабораторияси ташкилотчиси ва раҳбари. 6. Одилона ва холисона иш тутиш. 7. Жиноятни фож этишда олиб бориладиган жараёнлардан бири. 8. Қадимий араб кумуш тангаси, ҳозирда Марокаш пул бирлиги. 9. Эроннинг жануби-ғарбидаги шаҳар. 10. Марказий Африкадаги дарё, Конго ирмоғи. 11. Қадимда хонлик саройидаги юқори амаллардан бири. 12. Европанинг Ўрта денгизи марказий қисмидаги мамлакат. 13. Фикр-эътибор билан маълум нарсага берилиш. 14. АҚШнинг (1969-1974 йиллардаги) президенти. 15. Республика-миздаги вилоят. 16. Дунёдаги энг аҳолиси кўп пойтахт. 17. Мусулмон мамлақати пойтахти.

18.Вилоят маркази. 19. Жазирдаги шаҳар, денгиз бандаргоҳи. 20. Осийнинг ғарбидаги ва қисман Европанинг жанубидаги давлат маркази. 21. Шамсий йили ҳисобидаги ой номи. 22. Муборак кун. 23.Араб мамлакатлари пул бирлиги. 24. Уришувчи томонлар ўртасидаги ярашув ҳужжати. 25. Америка ёзувчиси. 26.Шерлок Холмс - хаваскор изкувар образини саргузашт адабиётда гавдалантирган инглиз адиби. 27. Еритилганлик даражасининг ўлчов бирлиги. 28. Утмишда шарият қонуни бўйича иш кўрган амалдор. 29. Захирдан Мухаммад Бобур пойтахтга айлантирган Ҳиндистондаги шаҳар. 30.Кунчиқар, мамлақати пул бирлиги.

МУАММОНОМА

Машқ жавоблари асосида шакл марказидаги рақамларни биринчи харфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Ундан шарқ ҳикмати билеб оласиз.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

